

2-ТОМ, 6-СОН

УДК 677.076.4.004.12

**МАҲАЛЛИЙ ЖУН ТОЛАСИДАН ОЛИНГАН НОТЎҚИМА
МАТЕРИАЛЛАР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚОТИ**

Ражапова У.Б.-Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
«Тўқимачилик материалшунослиги» кафедраси доценти

Исакова Г.А.-Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
«Тўқимачилик материалшунослиги» кафедраси 2-босқич магистранти

Эркинов А.О.-Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
«Тўқимачилик материалшунослиги» кафедраси 2-босқич бакалавриатура талабаси

Статья посвящена исследованию особенностей свойств нетканых материалов полученных из волокон местной шерсти в чистом виде и в смеси с другими волокнами

Мақолада маҳаллий жун толасидан ва унинг бошқа толалар аралашмасидан олинган нотўқима материалларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқи келтирилган

Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик хомашёсига бой давлатлар қаторига киради. Маҳаллий хомашёлардан унумли фойдаланиб, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш катта аҳамиятга эга.


Бугунги кунда совуқ шароитларда кийиладиган, иссиқликни сақлайдиган кийимлар ичига пахта, паралон, қатламлари қўйилади. Қатламдаги бу хомашёларнинг маълум даражада камчиликлари мавжуд. Биринчидан уларнинг нархи баланд бўлса, иккинчидан паралон хомашёсининг гигиеник хусусиятлари паст. Ушбу илмий мақола кийимларда иссиқликни сақлайдиган қатлам таркибига паст навли, йигириб бўлмайдиган жун толасидан нотўқима материалларни олишга бағишланган. Нотўқима материалларни ишлаб чиқаришдан аввал Қоракўл қўйларидан қирқиб олинган жуннинг паст навлари ювиб тозаланади. Бунда паст навли жунлар илик сувда, лаборатория шароитида совун, сода билан ювиб тозаланади. Ювилган жун толалар тарокли анализаторда таралиб, толалари параллел жойлашган қатламлар ҳосил қилинади. Паралеллашган толалар қатлами хоч ҳолатида жойлаштирилиб, уларни Тошкент вилояти Янги йўл пахта тозалаш заводи қошидаги “Нотўқима материаллар ишлаб чиқариш цехи”да тикиб қавилди ва нотўқима намуналар олинди. Намуналар саккизта (1-4-жун, 5-8-вариантлар жун ва паст навли пахта толаси



2-TOM, 6-SON

аралашмасидан) сирт зичлиги бўйича тайёрланди: 1-5-вариант 133, 2-6-вариант 147, 3-7-вариант 192, 4-8-вариант 231 г/м². Барча намуналар бир хил зичликда тикиб-қавилди. Нотўқиманинг бўйлама бўйича зичлиги, яъни 50 мм га тўғри келган каторлар сони тўртта бўлса, кўндаланг бўйича чоклар сони олтига тенг бўлди.

Вариантлар бўйича намуналар қалинлиги 1-расмда келтирилган.



1-расм Намуналарнинг қалинлиги


1-расмдан қалинлиги 1,5 (0,97), 2,6 (1,12), 4,8 (1,37) вариантлар бўйича бирхиллиги, 3,7 ларда 0,1 мм га фарқ қилишини, умумий ҳолда 1-4 ҳамда 5-8 намуналар учун қалинлашиб борганлигини таъкидлаш лозим.

Ушбу режа билан қавилган нотўқима материал маълум даражада майинликка ва пишиқликка эга бўлди. Ишлаб чиқарилган нотўқима материалларнинг хусусиятлари ТТЕСИ қошидаги “CentexUz” сертификация лабораториясида тадқиқот қилинди.


Нотўқима намуналарнинг пишиқлиги ва узилишдаги узайиши замонавий, халқаро стандарт талабига жавоб берадиган, автоматлаштирилган АG-1 ускунасида аниқланди. Намуналарнинг пишиқлиги ва узайиши қуйидаги графикда берилган.



2-TOM, 6-SON



2-расм. Намуналарнинг пишиқлиги




3-расм. Намуналарнинг узилишдаги узайиши

2 ва 3 расмдан маълумки, нотўқима материалларнинг сирт зичлиги ошиши билан уларнинг пишиқлиги ва чўзилувчанлиги икки йўналиш бўйича ҳам ошиб борар экан.



2-TOM, 6-SON

Кийим кечакларда қатлам сифатида ишлатиладиган нотўқима материалларнинг асосий кўрсаткичларига уларнинг ҳаво ўтказувчанлиги ва иссиқликни сақлаш хусусиятлари киради. Нотўқима материалларнинг ҳаво ўтказувчанлиги “CentexUz” сертификация лабораториясидаги AP-360SM асбобида аниқланди. Намуналарнинг иссиқликни сақлаш хусусияти эса AW-2 асбобида тадқиқот қилинди. Тажрибада олинган натижалар қуйидаги графикларда берилган (4-расм).



4-расм. Намуналарнинг ҳаво ўтказувчанлиги ва иссиқлик сақлаши.

4-расм натижалари таҳлили намуналарнинг қалинлиги ошган сари ҳаво ўтказувчанлиги пасайишини, жун ва пахта аралашмасидан олинган НТМда жундан олинганга нисбатан юқорироқ эканлигини, иссиқликни сақлаш хусусияти эса намуна қалинлиги ошган сари ортиб боришини ва жунли НТМда иссиқликни сақлаш хусусиятлари юқорилигини таъкидлаш лозим.

Хулоса:

1) совуқ иқлимда ишлайдиган ходимларнинг иссиқликни сақлайдиган кийимларининг ичига қуйиладиган қатлам материаллар ўрнига маҳаллий жун толасидан тайёрланган нотўқима материаллар тавсия этилади;

2) меъёрий совуқ шароитда 2-вариант нотўқима, ўта совуқ шароитда 4-вариант нотўқима материаллар тавсия қилинади.

